

Ҳайвонлар организмнинг қон таркиби ва хоссаларига саримсоқ пиёз ва прополис экстрактларини таъсирини ўрганиш

Х.Н.Мусаев, С.А. Салибаева

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: ўрта (жанубий) Осиё саримсоқ пиёз ватани бўлиб доривор восита сифатида қадимдан қўлланиб келиниши адабиётлардан маълум. Клиник тадқиқотлар кўрсатишича саримсоқ пиёз таркибидаги моддалар иммун танқислигига кучли қарши восита бўлиб кўпгина касалликларда антибиотик, антивирус, иммунофаол, ўсма ўсишига ва қон лахта (тромб) ҳосил бўлишига қарши восита сифатида қўлланганлиги маълум. Ҳайвонлар организмнинг чидамлилигини аниқлаш мақсадида қон таркиби ва хоссаларига прополис ва саримсоқ пиёз экстрактини таъсирини ўрганиш учун 60 та оқ лаборатория каламушларида тажриба ўтказдик.

Усуллар: ҳайвонлар 4 та гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳга 7 тадан қўйилди. Биринчи гуруҳ контрол, 2 – гуруҳ 10 кунлик, 3 – гуруҳ 20 кунлик, 4 – гуруҳ 30 кунлик саримсоқ пиёз экстрактлари ичирилди. Саримсоқ пиёз икки хил сувли ва спиртли экстрактларидан тана вазнига нисбатан фармакологик дозаларда 2 мл.дан, *per os*, яъни оғиз орқали ичириб турилди. Шу тажриба мобайнида каламушларнинг ҳар 10 кунликда қон параметрлари, яъни гемоглабин миқдори, эритроцитлар, лейкоцитлар миқдори, ивиш вақти текширилди. Тажрибадан сўнг каламушлар декопитация қилиниб қони олинди ва қон таркиби текширилди. Эритроцитлар, лейкоцитлар сони Горяев камераси ёрдамида микроскоп остида саналди. Гемоглабин миқдори Сали гемометрида аниқланди. Қоннинг ивиш вақти эса Мильони усули бўйича текширилди.

Натижалар: Биринчи ўн кунликда каламушлар қон кўрсаткичларида ўзгаришлар аниқланмади. Учинчи ва тўртинчи ўн кунликда эса, қондаги гемоглабин миқдори меъёрга нисбатан ошди, эритроцитлар ва лейкоцитлар миқдорида эса ўзгаришлар кузатилмади. Қоннинг ивиш вақти меъёрга нисбатан узайганлиги аниқланди. Яъни меъёрдаги ўртача 1,21 ўрнига ўртача 1,51 (+ 0,2) ни ташкил этди. Бу натижа айниқса спиртли экстракт ичган каламушларга нисбатан, саримсоқ пиёзнинг сувли экстрактини ичган каламушларда яққол кузатилди.

Хулосалар: Тажрибалардан прополис ва саримсоқ пиёз экстракти каламушлар қонида гемоглабин миқдорини нисбатан орттиришини ва қоннинг ивиш вақтини узайтириши, шаклли элементлардан, эритроцитлар ва лейкоцитлар сонини сезиларли даражада ўзгаришига олиб келиши аниқланди. Олинган натижалар прополис ва саримсоқ пиёз препаратларини атеросклероз, анемия, тромбофлебит, инфаркт ва бошқа касалликларда қўллаш мумкинлиги ва саримсоқ пиёз иммуномодулин модда сифатида амалиётга тадбиқ этиш мумкин. Шу сабабли ҳайвонлар организмни компенсатор мослашув яъни чидамлилигини кучайтирувчи (адаптоген) модда сифатида қўлланишини ҳам тавсия этиш мумкин.